



«Тасдиқлайман»

«Ўздонмахсулот» АК

Бошқарув раиси ўринбосари

Э. Алимов Э. Алимов

2018 йил

Маркетинг, экспорт ва сифат бошқармасининг НИЗОМИ

I. Умумий қисм

1. Маркетинг, экспорт ва сифат бошқармаси (кейинги ўринларда “Бошқарма” деб юритилади) «Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда “Компания” деб юритилади) марказий аппаратнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, идоранинг норматив ҳужжатларига ва ушбу Низомга амал қилади.

3. Бошқарма ўз фаолиятини компаниянинг ҳудудий ва таркибий бўлинмалари ҳамда республиканинг бошқа вазирликлари ва идоралари тегишли хизматлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бошқарманинг асосий вазифалари

Қуйидагилар Маркетинг, экспорт ва сифат бошқармасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

2.1. Ҳукумат томонидан белгиланган экспорт прогноз параметрларини бажарилишини таъминлаш, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги ташқи савдо компаниялар томонидан тақдим этилган экспорт ҳажмларини тўлиқ юклаб бериш;

2.2. Дон, ун ва нон маҳсулотларининг ички ва ташқи (биринчи навбатда қўшни мамлакатлар) бозорлари конъюнктураси таҳлилини ташкил этиш;

2.3. Ички ва ташқи бозорда нон маҳсулотларига бўлган талаб ва тақлифларни ўрганиш йўлида тадқиқотлар ўтказиш.

2.4. Ички ва ташқи бозорга маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга таъсир кўрсатувчи иқтисодий алоқаларни ўрганиш мақсадида макроиқтисодий таҳлиллар олиб бориш;

2.5. Меҳнат ва бошқа ресурсларнинг жойлашувини инобатга олган ҳолда дон маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини оқилона жойлаштириш, ун ишлаб чиқарувчи тегирмонларни реконструкция қилиш ва уларни илғор техника билан қуроллантириш билан боғлиқ тақлифлар бериш;

2.6. Компания таркибидаги корхоналарда маркетинг хизматини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга бағишланган методик қўлланмалар ишлаб чиқиш ҳамда ушбу корхоналарда маркетинг хизмати фаолиятини назорат қилиш;

2.7. Рекламанинг турли усулларидадан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички ва ташқи бозордаги харидорларни жалб қилиш;

2.8. Экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича таклифлар киритиш ва чет эллик ҳамкорлар топишда тизим корхоналарига амалий ёрдам кўрсатиш.

2.9. Компания корхоналарида олиб бориладиган стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш, шунингдек бириктирилган маҳсулот гуруҳини техник бирлигини таъминлаш ишларини мувофиқлаштиради.

2.10. Комплекс стандартлаштиришни ривожлантиришни асосий йўналишларини ишлаб чиқиш.

2.11. Корхоналарга стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш масалалари бўйича амалий ёрдам кўрсатиш.

2.12. Корхоналарга зарур бўлган Замонавий ўлчов воситалари ва усуллари, ахборот-ўлчов тизимларини, автоматлаштирилган ўлчов воситаларини, лаборатория ускуналарини жорий этилишини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш.

III. Бошқарманинг функциялари

3.1. «Ўздонмаҳсулот» АК ички фаолияти доирасида статистик ахборотлар ва башоратлар тизимини такомиллаштириш, халқаро талаблар доирасида ва замонавий технологиялар асосида маълумотлар сифат ва тезкорлигини ошириш;

3.2. Компания тизимидаги корхоналар фаолиятини такомиллаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида таклифлар киритиш;

3.3. Ички ва ташқи бозорни эгаллашнинг оқилона усуллари ишлаб чиқиш мақсадида маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;

3.4. Тизимдаги бошқа бошқарма ва бўлимлар билан биргаликда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, захираларни эҳтиётлаш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берувчи чет эл сармояларини жалб қилиш ҳамда асосий хом-ашё, маҳсулотлар, жиҳозлар ва технологияларни олиб келишнинг устивор йўналишларини ташкил этиш;

3.5. Компания тизимидаги кирувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини таъминлаш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш ва таклифлар киритиш;

3.6. Ўзбекистон Республикасида тайёрланган, бириктирилган маҳсулотнинг илмий-техник даражаси ва тавсифини ўрганиш, стандартланган маҳсулот ишлаб чиқариш тажрибасини бойитиб бориш;

3.7. Стандартлаштириш режаларини кўриб чиқиш ва таклифлар бериш.

3.8. Бириктирилган маҳсулот гуруҳини ва стандартлашга таалукли бўлган стандартлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, стандартларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришларни таҳлил (экспертиза) қилиш;

3.9. Давлат умум-техника ва ташкилий-услубий стандартларининг энг зарур тизимини яратиш ишларида, стандартларни қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш киритиш ва бекор қилиш ишларида иштирок этиш;

3.10. Компания тузулмавий бўлинмаларидаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш ишларини мувофиқлаштириш;

3.11. Компания корхоналарида ишлаб чиқариш ҳолати ва даражасини тавсифловчи, стандартлаштириш, метрология ва сифат масалалари бўйича ижро девони бошқарув йиғилишида кўриб чиқиш учун хужжатлар тайёрлаш;

3.12. Стандартлаштириш ва метрология масалалари бўйича шуғулланадиган масъул шахсларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини оширишни ташкиллаштириш;

3.13. Тизимдаги стандартлаштириш ва метрология, сифат меъёрларига амал қилиш, илғор тажрибаларни тарғибот қилиш бўйича семинар ва мажлисларни ташкил этиш.

IV. Бошқарманинг ҳуқуқлари

4.1. Ўз ваколатлари доирасида компаниянинг манфаатларини давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларда ҳимоя қилиш;

4.2. Маркетинг, экспорт ва сифат бошқармаси ваколати доирасидаги масалалар бўйича компания таркибидаги корхоналарда мониторинг ўтказиш;

4.3. Белгиланган тартибда компания таркибидаги корхоналардан тадқиқотлар ўтказиш учун зарур бўлган ҳисоб-китоблар ва хужжатларни, стандартлаштириш, метрология, маҳсулот сифатига таалуқли бўлган керакли хужжатлар ва бошқа маълумотларни талаб қилиш;

4.4. Маркетинг хизмати ва ташки иқтисодий алоқаларга боғлиқ масалаларни компания Бошқаруви муҳокамасига олиб чиқиш;

4.5. Бошқарма ваколати доирасида бошқа корхона ва ташкилотларга хизмат хатлари йўллаш;

4.6. Давлат ташкилотлари, агентликлар ва бошқа корхоналарда компания номидан мажлис ва йиғилишларда қатнашиш;

4.7. Ташқи ва ички бозорда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш учун зарур бўлган қўлланмалар ишлаб чиқиш;

4.8. Компания таркибидаги корхоналардан маркетинг тадқиқотлари натижаларини ва бошқа муҳим маълумотларни тарқатмасликни талаб қилиш;

4.9. Бошқарма томонидан тайёрланадиган ҳисоботлар учун зарур бўлган маълумотларни корхоналардан белгиланган тартибда талаб қилиш.

4.10. Стандартлаштириш бўйича юқоридаги бўлинмалар ва идораларга мурожаат қилиб, улар билан келишган ҳолда стандартлаштириш ва метрология бўйича режа-лойиҳаларини, стандарт лойиҳаларини ва бошқа меъерий хужжатларни ишлаб чиқиш, шунингдек маслаҳатлар бериш, стандартлаштириш ва метрология бўйича ўтказиладиган тадбирларда иштирок этишга тизим корхоналари ва айрим мутахассисларни жалб қилиш;

4.11. Стандартлар ва бошқа меъерий хужжатлар лойиҳалари таҳлили (экспертизаси) натижаларига асосан, мазкур лойиҳаларни тасдиқлаш ёки қайта ишлашга юборилиши тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

4.12. Ўрнатилган тартиб асосида, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш ва дон маҳсулотлари тизими соҳасида қўлланиладиган меъёрий ҳужжатларни олади ҳамда уларни мужассамлаштириш;

4.13. Ўрнатилган тартибда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартлар талабларига мос келмайдиган меъёрий ҳужжатларни асоссиз равишда қўлланилишини таъқиқлаш;

4.14. Стандартлаштириш ва метрология қоидаларини бузилишига, экспорт топшириғини бажарилмасликка йўл қўйган маъсул шахсларга нисбатан жазо чоралари қўллаш тўғрисида таклифлар киритиш.

V. Бошқарманинг мажбуриятлари

5.1. Мазкур низом асосида маркетинг, экспорт ва сифат бошқармасига белгиланган вазифаларни сўзсиз бажариш;

5.2. Бошқарма фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Компания Кенгаши ва Бошқаруви қарорлари, бошқарув раиси буйруқ ва кўрсатмаларига сўзсиз амал қилиш;

5.3. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Ўзстандарт” агентлиги, “Donmahsulotlari” ИСНМ, компания бошқа таркибий тузилмалари (бўлимлар, бошқармалар) билан ҳамкорликда иш олиб бориш.

5.4. Бошқармаси таъсир доирасига кирувчи меъёрий ҳужжатларни ва тармоқ бўйича стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш режалари ўз вақтида ишлаб чиқиш;

5.5. Корхоналарга стандартлаштириш миллий тизимига кирувчи меъёрий ҳужжатлар талабларини, давлатлараро кенгаш қарорларини ва стандартлар муаммолари бўйича битимларни ўз вақтида етказиб бериш;

VI. Бошқарманинг бошқарилиши

6.1. Бошқармани компания бошқаруви раисининг буйруғига асосан белгиланган тартибда ишга тайинладиган бошқарма бошлиғи бошқаради.

6.2. Бошқарма ходимларининг сони амалдаги штатлар жадвалига асосланган ҳолда белгиланади.

6.3. Бошқарма бошлиғи бошқарманинг иш фаолиятига боғлиқ бўлган барча масалаларни ечилишида ва қарорлар қабул қилишда мустақил иш олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг, компания ички буйруқлари ва кўрсатмаларининг бажарилишини таъминлайди.

6.4. Белгиланган тартибда бошқарма учун кадрлар танлаш ва ишга қўйиш, ўз хизмат вазифаларини аъло бажарган ходимларни рағбарлантириш, хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан қараган ходимларга нисбатан чоралар кўриш борасида раҳбариятга таклифлар киритади.

6.5. Бошқармада меҳнат ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, иш олиб бориш услубини яхшилаш, ходимларнинг тажрибасини ошириш борасида узлуксиз изланишлар олиб боради.

6.6. Иш юритишнинг ягона тизимига асосланган ҳолда бошқармада иш юритишнинг тезкорлигини ва қонунийлигини таъминлайди.

6.7. Бошқарма ходимлари ўз вазифаларига лавозим мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда ёндошадилар ва ўзларига юкланган мажбуриятларни сўзсиз бажаришлари шарт.

6.8. Бошқарма бошлиғи ўз жойида бўлмаган вақтларда ёки хизмат сафарида бўлган вақтларда бошлиқ вазифасини бошқарма бошлиғи томонидан белгиланган бош мутахассис олиб боради.